



07801000

**О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIQ QO'MITASI**  
**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**  
**STATE TAXATION COMMITTEE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100011, Toshkent shahri, Abdulla Qodiriy ko'chasi, 13A uy. Tel.: 71 244-97-16, Faks: 71 244-89-12, www.soliq.uz

2020 yil «16» сентябрь  
32-27963 son

**Корхона ва ташкилотларга**  
**(Руйхат буйича)**

***Хурматли солиқ тўловчи!***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сонли қарори билан “Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган. Ушбу Низом талабларига кўра, ҳисобварақ-фактура товарлар жўнатилган (топширилган) ёки хизматлар кўрсатилган календарь санада расмийлаштирилиши таъкидланган. Жумладан:

Хўжалик юритувчи субъектларлар томонидан товарлар (хизматлар) доимий асосда реализация қилинадиган ҳолларда ҳисобварақ-фактура товарлар (хизматлар) реализация қилган ҳолда расмийлаштирилади ва товарлар (хизматлар) реализация қилинган ойдан кейинги **ойнинг ўнинчи кунига** қадар тақдим этилади.

Етказиб берувчилар томонидан тақдим этилган электрон ҳисобварақ-фактура **ўн календарь куни** ичида сотиб олувчи томонидан электрон рақамли имзо билан **тасдиқланиши** ёки сабаби кўрсатилган ҳолда **рад** этилиши, сотиб олувчи томонидан белгиланган муддатда, тасдиқланмаган ёки рад этилмаган электрон ҳисобварақ-фактуралар автоматик тарзда **тасдиқланган ҳисобланади**.

Юқоридагилар ҳамда Низом талабларидан келиб чиқиб, етказиб берувчи томонидан расмийлаштирилган ва тақдим этилган электрон ҳисобварақ-фактураларни **ўн календарь куни** ичида электрон рақамли имзо билан тасдиқлашингиз ёки сабабини кўрсатилган ҳолда рад этишингиз шартлигини маълум қиламиз.

*Батафсил маълумотларни мазкур ҳавола орқали олишингиз мумкин.*  
*(<https://soliq.uz/press-services/news/show/ehf-toldirish-tartibi--batafsil>)*

**Раис ўринбосари**

**Ф.Умаров**